

Халқаро Қуръон мусобақасида вакилларимиз ҳакам ва иштирокчи сифатида қатнашади



13:52 / 30.10.2023 1543

2023 йилнинг 1-2 ноябрь кунлари Остона шаҳрида Халқаро Қуръони Карим тиловати мусобақаси ўтказилади.

Қозоғистон мусулмонлари идораси томонидан ташкил этилаётган ушбу беллашувда Саудия Арабистони, Миср, Бирлашган Араб Амирлиги, Кувайт, Индонезия, Малайзия, Туркия ҳамда Ўзбекистон вакиллари иштирок этади.

Ушбу нуфузли тадбирда қатнашиш ҳамда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида бугун, 30-октябрь куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси Сирожиддин қори Жалилов Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Халқаро мусобақанинг биз учун яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда қорилар чиқишини баҳолаб борадиган ҳакамлар ҳайъати аъзолари орасида ҳамюртимиз, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Таҳфизул Қуръон» кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Нематов ҳам бор.